# КИТОБ БУЮК КУЧДИР

### КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Бу конференция область китобсеварларининг кейинги беш йил ичидаги фаолиятини якунлади. Ташкилотнинг маънавий бойлигимиз бўлган китоб орқали КПСС XXVI съезди, партиянинг кейинги Пленумлари қарорларини ҳар бир меҳнаткашга етказиш, халқимизнинг улкан бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб қилиш борасидаги режалари ва амалга оширилажак тадбирлари кенг муҳокама қилинди.

Кейинги йиллар ичида сиёсий ва қишлоқ хўжалик адабиётлари бўйича китобхонлар конференциялари, В. И. Ленин асарлари, шунингдек ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги ҳамда болалар адабиётига бағишлаб ҳафталиклар ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Адабиётни пропаганда қилишда область китобсеварлари ранг-баранг иш формаларидан фойдаланмоқдалар. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлими ва область комсомол комитети ҳамкорликда ёзувчилар, шоирлар, ёш олимлардан иборат агитбригадалар ташкил этдилар. «Адабий десант» деб аталувчи бу бригадалар фермаларда, чорвачилик комплексларида, паррандачилик фабрикаларида, чўпонлар отарларида бўлиб суҳбатлар, баҳслар ўтказмоқдалар. Бундан икки йил аввал В. И. Ленин кунларида бошланган ва узоқ вақтга мўлжалланган «Ижодкор ёшлар — область чорвадорларига» шиори остида ўтаётган тадбир ҳам китобсеварлар ишига мазмун бағишламоқда.

Область китобсеварларининг Калинин районида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида жамият ташкилотларининг ҳар томонлама активлик кўрсатиб ишлаганликлари таъкидланди. Китобсеварлар бу вақт ичида болалар уйлари, мактаб-интернатлар, госпиталлар ва пансионатлар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, қаҳрамон оналар учун 12 минг китоб тўплаб бердилар. Ноқоратупроқ зонада ишлаётган ўзбекистонлик ёшларга 8 минг китоб жўнатилди. Шунингдек «Оқтош» танкери ҳамда «Янгийўл» теплоходи денгизчиларига ҳам 700 дан зиёд китоб юборилди. «Янгийўл» теплоходи Бутуниттифоқ пароходчилар кутубхоналари кўригида биринчи ўринни олган экан, бунда сўзсиз янгийўллик китобсеварлар ҳиссаси ҳам катта.

Конференцияда доклад қилган область китобсеварлар жамияти правлениесининг раиси, область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев ана шу фактлар ҳақида тўхталди.

Кўплаб китобсеварларнинг бошланғич ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси ва республика ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган жуда катта оммавий пропаганда ишига актив қўшилдилар. Юбилей йилида ишни юксак даражада ташкил этиш билан боғлиқ комплекс масалалар деярли барча правлениялар ва уларнинг жамоатчилик асосида ишловчи коллегиал органлари томонидан кўриб чиқилиб, зарур тадбирлар белгиланди.

Бу шарафли ишда бошланғич ташкилотлар фаолиятини бир неча йиллардан буён юқори даражада йўлга қўйиб келаётган Чирчиқ трансформатор заводи, Паркент районидаги Калинин номли, Янгийўл районидаги «Ленинизм», Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозлари, Оҳангарон районидаги қатор хўжаликлар китобсеварларининг иш тажрибасини оммалаштириш зарур.

Областимизда ўз кутубхоналаридан бошқаларнинг ҳам баҳраманд бўлиши учун имконият яратаётган китобсеварлар сони ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Беш йил давомида область китобсеварлари томонидан йиғилган китоблар сони эса 27 мингтадан ошиб кетди. Ана шу ишда Янгиобод, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон районлари китобсеварлар ташкилотларининг фаолиятини қайд этиш ўринлидир.

Лекин шу билан биргаликда ҳамон китоб пропагандаси билан суст шуғулланаётган, номигагина китобсеварлар жамиятининг аъзоси бўлиб турган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Чиноз, Ғалаба районларидаги қатор хўжаликларда ишга ана шундай лоқайдлик билан қаралмоқда.

Областда ҳозирги пайтда 1400 та бошланғич ташкилот мавжуд. Шундан 500 таси ҳисобот даври ичида ташкил этилди. Аммо бу кўрсаткични ҳам жуда юқори деб бўлмайди. Шаҳар ва районлар китобсеварлар жамияти ташкилотлари бундан буён янада уюшқоқлик кўрсатиб ишлашлари, бошланғич ташкилотлар сонини йилдан-йилга ошириб боришлари керак. Областимизнинг 170 минг нафардан иборат китобсеварлар отрядига яна кўплаб маънавий бойлик мухлисларини жалб этиш зарур.

Китобсеварлар жамияти область ташкилотининг конференциясида сўзга чиққан Оҳангарон район ҳарбий комиссари А. Абдуқаҳҳоров, Янгийўл шаҳар пионерлар уйининг директори Н. С. Ефремова, Ўрта Чирчиқ районидаги марказий кутубхона системасининг директори М. Кенжабоева, Бекобод район китобсеварлар жамияти ташкилоти президиумининг аъзоси, Ленин номли колхоз бригада бошлиғи А. Рўзиматова ва бошқалар китоб пропагандаси борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Конференцияда республика китобсеварлар жамияти III-съездига делегатлар сайланди.

Китобсеварлар жамияти область ташкилоти конференциясида жамият правлениясининг янги состави сайланди. Область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев правления раиси, Г. Б. Йўлдошева ва К. С. Қамбарова правления раисининг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

**М. ШАРИПОВА.**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

**БЕКОБОД РАЙОНИ**



● **ҲАЗРАТҚУЛ Жуманазаров 30 йилдан буён Навоий номли колхозда меҳнат қилиб келяпти. У бошлиқ бригада чорвадорлари ўтган қишловга пухта ҳозирлик кўрганликлари туфайли молларни синов давридан муваффақиятли олиб чиқишга эришишди.**



● **«Коммунизм» колхози аъзоси Ачақиз Деҳқонова Қаҳрамон она. У оиласи аъзолари билан ҳар йили 25 гектар майдонда пахта етиштиришда қатнашади. Ўтган йили Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери А. Деҳқонова оиласи аъзолари ҳар гектар ердан 52 центнердан ҳосил олишганди. Бу йил эса улар 55 центнерлик марра учун кураш бошлашган.**

П. Эргашев фотолари.

**ЁЗГИ ФОРМАГА**

Тошкент гарнизони бошлиғининг буйруғига мувофиқ гарнизон қўшинларининг шахсий состави 1 апрелдан бошлаб ёзги формага ўтказилади.

*БУГУН—ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ*

# САҲНАДА ҲАЁТ АКС ЭТСИН

СОВЕТ ИТТИФОҚИ, жумладан, Ўзбекистон бутун ер юзидаги атоқли санъаткорларнинг тез-тез учрашиб турадиган ва ўзаро мулоқотда бўладиган қутлуғ манзилгоҳига айланиб қолди. Халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро биродарликни ривожлантириш, турли миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшашида театр санъатининг аҳамияти катта эканлигини ҳисобга олган ЮНЕСКО 1961 йили Жаҳон актёрлар федерациясини ташкил этди ва ҳар йили 27 мартни Халқаро театр куни деб эълон қилди. Бу албатта, саҳна санъати ижодкорларининг меҳнатига билдирилган юксак ишончдир.

Мана, 23 йилдирки, бу қутлуғ айём мамлакатимиздагина эмас, балки юзга яқин хорижий давлатларда ҳам кенг нишонланмоқда. Хусусан, социалистик реализмга асосланган совет театр санъати ўзининг барча юксак хусусиятлари, янги жамият кишисини тарбиялашдек энг олижаноб фазилатлари билан диққатга сазовордир. Чунки кишилар ўртасидаги юксак инсоний муносабатлар санъатнинг турли-туман жанрларида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ана шундай эзгу ғояларни тарғиб қилишда театр санъатининг ҳам роли йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Совет республикаларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик принципга асосланган театрлари ижодий фикр алмашув ва ўзаро алоқа жараёнида камол топмоқда. К. С. Станиславскийнинг умрбоқий системасига асосланган, улуғ Октябрь яратган санъат — совет театри ўзининг ҳам режиссура, ҳам актёрлик ижросининг ҳаққонийлиги ва ранг-баранглиги билан жаҳон театр санъатининг бир бобини ташкил этади.

Ўзбек совет театр санъати ҳам кундан-кунга ижодий камолотга интилмоқда. Режиссурада Е. Вахтангов, В. Мейерхольд, А. Таиров каби рус санъат усталаридан сўнг халқимиз орасидан Ҳамза, Маннон Уйғур, Етим Бобожоновдек етук режиссёрлар етишиб чиқдилар. Ижрочилик санъатида ҳам ўзбек актёрлари рус реалистик театрининг алломалари В. Шчукин, И. Москвин, А. Тарасовлар изидан бордилар ва ўзбек театри саҳнасида Отелло, Гамлет, Дездемона, Офелия, Жамила, Ғофур каби ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта образлар галереясини яратдилар. Бугунги кунда ўзбек театри Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Бернора Қориева каби истеъдодли саҳна усталари билан ҳақли равишда фахрланади. Шунинг учун ҳам бугунги совет театри социализмнинг улуғвор ғалабасидир. Зотан, инсоният тафаккурининг юксак парвозлари мужассамлашган совет саҳна санъати ижтимоий тенглик, меҳнат, дўстлик, бахт-саодат каби эзгу тушунчаларни шарафлайди.

Жонажон коммунистик партия ва ҳукуматимиз театр санъатининг гуллаб-яшнаши учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтган йилнинг апрелида қабул қилган «Театр санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу оталарча ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бу қарорда таъкидланган ғоят қимматли масалаларни амалга ошириш ҳар бир ижодий коллектив ва санъаткорнинг муҳим программасига айланиб қолди. Ўтган вақт ичида мазкур қарорда таъкидланган кўпгина масалалар кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилди ва оширилмоқда.

Халқаро театр кунида тақдирини саҳна санъати билан боғлаган ҳар бир ижодкор ўз изланишларига яна бир бор назар ташлайди, янги ижодий режалар тузади. Театр коллективлари бу байрамга ўзларининг ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта спектакллари билан келдилар. Республикамиз пойтахти ва областларида фаолият кўрсатаётган 29 та театр саҳнасида замондошларимиз образлари орқали актуал проблемалар кўтарилган, совет кишиларининг матонатли меҳнати ўз аксини топган бир қатор спектакллар юзага келди. Ўтган йили бу коллективлар 130 дан ортиқ рус ва қардош халқлар драматурглари, чет эл классиклари ва миллий драматургларнинг асарларини саҳналаштирдилар. Улар орасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат опера ва балет Катта театрида П. Чайковскийнинг «Иоланта» ва «Триптих», Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида М. Авезовнинг «Абай», Тошкент давлат оперетта театрида «Ширин мева», И. Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида Р. Файзийнинг «Ўз уйингдасан» каби спектакллари ўзининг ажойиб талқини билан ажралиб туради. Область театрларида ҳам бу борада самарали ишлар қилинмоқда.

Маълумки, Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейи маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Театрлар бу санага бағишлаб бир қатор спектакллар тайёрладилар. Айниқса, М. Горький номидаги рус давлат академик драма театрининг СССР Давлат мукофоти лауреати Л. Ошаниннинг «Тошкент афсонаси», Муқимий номидаги республика музикали драма театрида қўйилган Ҳ. Ғуломнинг «Тошкентликлар» спектакларини санъат ихлосмандлари қизғин кутиб олдилар.

Ҳаёт одатдагидек саҳна санъати ижодкорлари олдига улкан вазифалар қўймоқда. Айни кунларда ҳар бир театр коллективи КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) ва февраль (1984 йил) Пленумлари қарорларида таъкидланган долзарб масалаларни ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Республикамиз санъат усталари, режиссёрлар, актёрлар ва барча саҳна санъати ижодкорлари партиямизнинг бу Пленумлари қарорларидан руҳланиб, ўз изланишларининг янада сермаҳсул бўлишига интилмоқдалар. Шу кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизитиб юборилган бир пайтда, театр санъати намоёндалари ҳам ўз ижодларида гражданлик пафосини кучайтириш, давримизга муносиб асарлар яратиш, саҳна асарларида совет кишиларининг энг эзгу орзу ва мақсадларини ифода этишга ҳаракат қилмоқдалар.

**Ғ. РАЗЗОҚОВ,**
**Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениеси консультанти, театршунос.**

ИПАК ҚУРТИ БОҚИШ МАВСУМИ ОЛДИДАН

# 12 ТОННАГА ЗАМИН

ЎТГАН йили баҳор қуруқ келди. Шу сабабли Тошкент районидаги Ленин номли колхозда тут барги кам бўлиб, пиллакорларни анча қийнади. Хўжаликда бу йил шунинг учун тут кўчатларини кўпайтиришга жиддий эътибор берилди. Ариқ ва йўл ёқаларига 17 минг туп тут кўчати экилди. Ниҳоллар яхши ривожланмоқда.

Айни кунларда колхозда тут плантацияларининг қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда пилла қурти асосан хонадонларда боқилади. Шунинг учун 450 хонадондаги ипак қурти парвариш қилинадиган хоналар мавсумга пухта тайёрланди. Колхоз бу уйларни ремонт қилишда ёрдам берди. Хоналар бир марта дезинфекция қилинди. Ипак қурти қўйилишидан 10—15 кун олдин улар яна бир бор дезинфекциядан ўтказилади. Бу эса ипак қуртларининг ҳар хил касалликларга чалинишининг олдини олади. Хоналарга сўрилар, печкалар ўрнатилмоқда. Ҳамма хонадонлар ёқилғи материаллари билан таъминланган. Турди Низомова бошчилик қилаётган ипак қуртини жонлантириш цехида ҳам мавсумга пухта тайёргарлик кўриб қўйилган.

Колхозда бир неча йилдирки, махсус барг кесувчи ва ташувчи бригадалар ташкил этилмоқда. Бунинг самараси қувончли бўлаётир. Биринчидан, ипак қурти боқувчилар барг учун овора бўлмайдилар, уларнинг парвариши билан сифатлироқ шуғулланадилар, иккинчидан, барг кесувчилар дарахтлардаги баргларнинг сифатига ҳам жавоб берадилар. Бу эса тутлар зарарланишининг олдини олмоқда.

Ипак қурти боқувчи хонадонлар икки звенога ажратилган. Ҳар бир звенога малакали агротехник бириктирилган. Улар доимо хонадонларда бўлишиб, керакли маслаҳат ва кўрсатмалар берадилар. Хўжаликнинг К. Толипова, М. Зокирова, М. Қўчқорова, Л. Бойбекова ва Р. Абдуллаева сингари тажрибали «кумуш тола» соҳибалари бу йил ҳар қути қурт уруғидан пландаги 70 килограмм ўрнига 95—100 килограммдан пилла олишга аҳд қилганлар. Уларнинг бу ташаббуси кенг қанот ёзяпти.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти пиллакорларга ҳақ тўлашнинг янги усулини ишлаб чиқди. Бунда олий сортга топширилган пилланинг ҳар килограммига 12 сўмдан, биринчи сорт учун 10 сўм 80 тийин, иккинчи сорт учун 8 сўм 30 тийин ва учинчи сортга 6 сўм тўланади. Агар ипак қурти боқувчи пландан ошириб маҳсулот топширса, унинг ҳар ўн килограммига бир сўмдан, 20 килограммига 1,5 сўмдан ва ундан оширса икки сўмдан устама ҳақ тўланади. Бу топширилаётган пилланинг сифатини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Колхоз «кумуш тола» ижодкорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда давлатга 12 тонна пилла топшириш учун ҳозирданоқ мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар.

**А. ТИЛОВОВ.**

*«ФАРҒОНА»ДА АСКИЯ КЕЧАСИ*

# КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗАЯДИ



**Пойтахтимизнинг Қорақамиш массивидаги «Фарғона» чойхонасида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг фольклор кенгаши ҳамда республика Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими олимлари ташаббуси билан кўплаб қизиқчилар иштирокида аския кечаси ўтказилди.**

**Кечани филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов кириш сўзи билан очди. У халқимизнинг аскиячилик санъати тарихи, анъаналари, бугунги кундаги вазифалари ҳақида гапирди.**

**Кечага ташриф буюрган қизиқчилар асосан Қўқон аския мактабининг вакиллари эдилар. Улар орасида жаҳон ёшлари фестивалларининг иштирокчиси, машҳур қизиқчи Муҳиддин Дарвешев, Жўрахон Пўлатов, моҳир аскиябозлар Йўлдошхон Носиров, Солижон Толипов, Ғиёсиддин Абдураҳмонов, Олимхўжа Содиқов, Адҳамжон Олимов, Одилжон Халилов ва бошқалар бор эди.**

**Қизиқчилар ичак узди латифаларни, юмор билан суғорилган шингил ҳикоя, ҳангомаларни кетма-кет айтишмоқда. Данғиллама зал бўйлаб кулги-табассум тошқини мавжланиб турибди. Миллий архитектуранинг гўзал намуналарини ўзида мужассамлаштирган чойхона одамларнинг беғараз кулгуси, кўтаринки кайфиятидан янада ёруғ, янада файзли бўлиб кўринади.**

**Муҳиддин қизиқчи навбатдаги аскияни тугатиши билан уни суҳбатга тортдик.**

**— Сизнингча, ҳозир аскиячилигимизда қандай муаммолар бор?**

**— Биз аския тиғини ўткирлашимиз керак, яъни уни кишиларимиз онги, феъл-атворидаги жамиятимизга номуносиб ҳислатлар ва иллатларни бартараф этишга хизмат қилдиришимиз лозим.**

**— Бу борада қандай ишлар қилинмоқда?**

**— Қўқон аскиячилик мактабининг қизиқчилари хайрли тадбирларни амалга оширишяпти. Улар ҳар ойда бир марта жойларда ана шундай қизиқарли аския кечалари уюштирмоқдалар. Бу эса халқимизнинг шу кунги ҳаёт тарзини чуқур ўрганиш имконини бераётир.**

**— Ҳозирги сўз усталаридан кимларни таъкидлаб кўрсатишингиз мумкин?**

**— Мени тожикистонлик Абдураҳим Неъматов кўпроқ қувонтиради. Чунки у аския айтишувдаги меъёрни яхши англайди. Қочиримларни ўз ўрнида, маромига етказиб қўллай олади. Энг муҳими шуки, у тингловчилар кайфияти, қизиқиши, талаб ва истакларининг даражасини жуда нозик илғайди.**

**Кулги инсон умрини узайтиради, деганлари бежиз эмас. «Фарғона» чойхонасига йиғилган кулгисеварлар бу ҳикматнинг нақадар рост эканлигини яна бир бор ҳис этдилар.**

**А. ХЎЖАМОВ.**

**СУРАТЛАРДА: «Фарғона» чойхонасида ўтказилган аския кечаси иштирокчилари.**

**В. Портнов** фотоси.

# «ФИРЪАВН ГУЛИ»НИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиали олимлари сафлор ўсимлигини районлаштириш борасида кенг кўламли изланишлар олиб бормоқдалар.

Бугунги кунда чорвачилик учун қимматли озуқа ҳисобланган сафлорнинг дунёда 365 тури мавжуд. Айтишларича, бу ўсимлик билан қадимий Миср фиръавнларининг эҳроми безатилган экан. Шунинг учун ҳам олимлар уни «Фиръавн гули» деб атайдилар. Бу ўсимлик доришуносликда ҳам қимматли хом ашёдир. У қурғоқчиликка бардошли. Кўк массасининг ҳосилдорлиги ҳар гектарда 180 центнерни ташкил этади. Шунингдек, гектаридан 50 центнер дон олиш мумкин. Оқсил моддасига бойлиги жиҳатидан сафлор озуқабоплилар орасида дастлабки ўринларда туради. Яқин йилларда уни областимиз территориясида ҳам кенг майдонларга экиш кўзда тутилмоқда.

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Ишлаб чиқариш чиқитларидан саноатда ва энергетикада фойдаланиш программалари Братиславада бўлиб ўтган умумдавлат конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Олимлар билан мутахассислар — мамлакатдаги энг йирик корхоналар ва илмий тадқиқот институтларининг вакиллари чиқитларни қайта ишлаш учун замонавий технологияларни бундан буён ҳам қўлланиш имкониятларини муҳокама қилдилар. Ана шу чиқитлар иссиқлик ва энергия, қимматли хом ашё манбаи бўлиб, ҳар йили халқ хўжалигига миллионлаб кроналик иқтисодий наф келтириши мумкин.

БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари Исроил армияси босиб олган Ливан жанубида ўтган кунлар мобайнида бир қанча муваффақиятли ҳарбий операцияларни ўтказдилар. Бу ердан олинаётган хабарларга кўра, партизанлар Сайда билан Жеззин шаҳарлари ўртасидаги катта йўлда Исроилнинг механизациялаштирилган соқчиларига ҳужум қилишган. Жанг давомида босқинчилардан бир неча киши сафдан чиқарилган. Сайда районида соқчилардан бошқа бир тўдаси миналарга учраб, портлаб кетган. Босқинчилар орасида ярадор бўлганлар бор. Ҳужумлар қилинган районларга Исроилнинг қўшимча ҳарбий бўлинмалари ташланган. Бу бўлинмалар шу жойларни элак-элак қилиб, маҳаллий араб аҳолиси ўртасида ялпи тинтув ўтказишга ва одамларни қамоққа олишга киришган.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати Ҳиндистонга қарши террорчи унсурлар чет элдан мадад олаётганликларидан хавотирланмоқда. Ташқи ишлар министри Нарасимҳа Рао парламентда сўзга чиқиб, Қўшма Штатларда, Покистонда, Англияда ва бошқа баъзи мамлакатларда «Жамму ва Кашмир озодлик фронти» деб аталмиш террорчи гуруҳнинг бўлинмалари иш кўраётганлигини айтди. Бу гуруҳ шу штатнинг Ҳиндистондан тортиб олинишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Министр Ҳиндистон маъмурлари воқеаларнинг ривожини синчиклаб кузатиб турганликларини уқтириб ўтди.

(ТАСС, 24 март).

## БАЗАЛАРНИ ТУГАТИШ ТАЛАБ ҚИЛИНДИ

САН-ХОСЕ. Гондураснинг 126 нафар таниқли сиёсат ва жамоат арбоби АҚШ қўшинларини Марказий Американинг шу мамлакатидан олиб чиқиб кетишни ва бу ердаги ҳамма Америка ҳарбий базалари тугатилишини талаб қилди. Уларнинг бу талаби «Трибуна» газетасида эълон қилинган халққа мурожаатномада баён этилган.

Маълумки, Гондурас территориясида Американинг аэродромлари, кузатиш ва радио ушлагич станциялари, бошқа ҳарбий объектлари жойлаштирилган. Тегулсигальпанинг халққа қарши режими ихтиёрига Пентагондан юзлаб «маслаҳатчилар» юборилган. Улар контрреволюционерларнинг қўшни Никарагуага қарши ғаламисликларига, шунингдек Сальвадор ва Гватемаладаги жазо операцияларига раҳбарлик қилмоқдалар.

АҚШ Гондурасда ҳарбий базалар барпо этиб, шу мамлакатни ҳақиқатда ўзларининг тақдирини ўзлари белгилаш, озодлик ва мустақиллик учун ҳаққоний ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Марказий Америка халқларига қарши агрессия қилинадиган асосий майдонга айлантириб қўйди.

## АГРЕССИВ СИЁСАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина миллий конгрессининг депутатлар палатаси АҚШнинг Никарагуага ва Марказий Америкадаги бошқа мамлакатларга нисбатан ўтказаётган агрессив сиёсатини кескин қоралади. Турли сиёсий партияларнинг вакиллари қабул этган резолюцияда Америка империализми Гондурас ва Коста-Рика территориясидан контрреволюцион муртадларнинг Никарагуа халқига қарши қуролли ҳужумларини кучайтириб, Никарагуага бевосита ҳарбий интервенцияга ҳозирлик кўраётганлиги уқтириб ўтилди. Марказий Америка соҳиллари яқинида АҚШнинг катта ҳарбий денгиз кучлари ҳам турганлиги бежиз эмас.

«Тьемпо архентино» газетаси депутатлар палатасининг резолюциясини шарҳлаб, бу ҳужжат суверен давлатларнинг ишларига ажнабийларнинг ҳар қандай аралашувига қарши чиқаётган президент Рауль Альфонсин ҳукуматининг сиёсатини қўллаб-қувватлайди, деб таъкидлайди.

(ТАСС, 24 март).

## ЖИНОЯТЧИ ОҚЛАБ ЮБОРИЛДИ

БОНН. Уруш йилларида ЭСЭСнинг «Ўлик калла» танк дивизиясида хизмат қилган ҳарбий жиноятчи Курт Фогелни Ғарбий Германия суди оқлаб юборди. Маҳаллий судьялар СССРнинг вақтинча оккупация қилиб олинган территориясида ёвузлик қилган бу жаллоднинг ҳаракатларида «жиноят нишоналари»ни топа олмадилар.

Нацист ҳарбий жиноятчиларни рўйхатга олувчи Людвиг-Схафендаги марказий маҳкама картотекасига номлари киритилган 88.587 гитлерчи қотилдан урушдан кейинги йилларда ГФР судлари 80.355 жаллодни «оқлади». Судлов иши қўзғатилган бошқа фашист газандалари ҳамон ялло қилиб юришибди.

Атиги 6,5 мингдан камроқ ҳарбий жиноятчи ГФР демократик жамоатчилигининг тазйиқи остида ва чет эллардаги қудратли норозиликлар таъсирида ўзларининг даҳшатли ёвузликлари учун жазоланди.

## ЛИВИЯНИНГ ИЛТИМОСИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 март. (ТАСС). Ливия «АҚШнинг душманлик ва иғвогарлик ҳаракатлари натижасида ёмонлашиб кетган вазиятни муҳокама этиш» учун БМТ хавфсизлик кенгаши мажлисини шошилинч равишда чақиришни илтимос қилиб, мурожаат этди.

Ливиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили вазифасини ижро этувчи Бурвиннинг кенгаш раисига йўллаган мактубида Ливия республикасига қарши қаратилган ана шу ҳаракатлар «Регионда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид» солаётганлиги уқтириб ўтилади. Мактубда қайд этилганидек, Ливия бундан аввал ҳам хавфсизлик кенгашининг эътиборини кейинги воқеалар, яъни Ливия территориясига нисбатан жосуслик қилиш ва унга қарши агрессия тайёрлаш мақсадида Америка қурол-яроғлари ва самолётлари Ливияга қўшни бўлган давлатларга юборилаётганлиги жиддий эканлигига жалб қилган эди.

## ХАТАРЛИ АҲДЛАШУВ

ЛИССАБОН, 24 март. (ТАСС). Америка ҳарбий кемалари Португалиянинг кемасозлик корхоналарида ремонт ишларини бажариш имкониятини олди. «Жорнал» ҳафталик газетасининг хабар қилишича, бош министр Соарешнинг яқинда Вашингтонга қилган расмий визити вақтида шу ҳақда аҳдлашувга эришилган.

Португалия билан Қўшма Штатлар ўртасида ҳарбий соҳадаги «ҳамкорлик» кучайиб бораётганлиги Португалия демократик жамоатчилигини тобора кўпроқ ҳавотирлантирмоқда.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

